Ушбу сонда:
2 ПРЕЗИДЕНТ АСАРЛАРИ ЧУҚУР ЎРГАНИЛМОҚДА
3 ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНАДА
4 РАҚАМЛАРДА ИНСОН ТАҚДИРИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 11 июл, сешанба №99 (931)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

9

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ўз истиқлол ва тараққиёт йўли бор

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Франция Республикаси мудофаа вазири Ален Ришарни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни Ўзбекистонга ташрифи билан қутлар экан, мамлакатларимиз ўртасида барча соҳаларда ҳамкорлик кенгайиб бораётганини таъкидлади. Президентимиз Ўзбекистон ва Франция мудофаа вазирликлари томонидан қабул қилинган ҳарбий-техникавий ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган битим икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутишини қайд этди.

Учрашувда томонлар биргаликда умумий таҳдидни баҳолаш ва стратегик вазиятни таҳлил қилиш, ахборот алмашиш, ҳарбий-техникавий ҳамкорлик борасидаги масалаларни муҳокама қилди. Шунингдек, Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорлик масалалари хусусида фикр алмашилди.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

Жисмоний шахслар томонидан товарларнинг айрим турларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келишни ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Жисмоний шахслар томонидан ижтимоий аҳамиятга эга бўлган истеъмол товарларининг айрим турларини олиб келишни тартибга солиш ва улар билан ички бозорни тўлдириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Белгиланснки, жисмоний шахслар томонидан республика ҳудудига тижорат фаолияти учун ун, ўсимлик мойи ва мол ёғи олиб келишда жисмоний шахслар (ўзлари қатнаб олиб келадиган шахслар) томонидан олиб келинадиган товарлардан йиғим божсиз олиб келишнинг белгиланган чекланган нормалари қўлланган ҳолда амалдаги ставка бўйича улар божхона қийматининг 50 фоизи миқдорида ундирилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси тижорат фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслардан божхона тўловлари ва йиғимлари ундиришнинг белгиланган тартибига қатъий риоя қилинишини таъминласин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Б.Ҳамидов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И.КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
2000 йил 8 июл.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

2000 йилда ҳўл мева-сабзавот маҳсулотларини марказлаштирилмаган ҳолда экспорт қилишни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида

Сабзавот, полиз маҳсулотлари, ҳўл мева ва узум мўл-кўл ҳосилини сотиш учун қулай шароитларни шакллантириш, мева-сабзавот маҳсулотларини сотиш бозорларини кенгайтириш ва уларни экспортга етказиб беришни кўпайтириш, энг аввало, деҳқонлар ва қишлоқ хўжалиги товар етиштирувчиларининг етиштирилган маҳсулотларни сотиши учун зарур шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Жисмоний ва юридик шахслар - Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан сабзавот, полиз маҳсулотлари, ҳўл мева ва узумни республика ташқарисига чиқаришнинг 2000 йил 10 июлдан 1 октябргача бўлган даврга мўлжалланган вақтинчалик тартиби (1-илова) тасдиқлансин, унга кўра 2-иловада кўрсатилган мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилинади.

2. Белгиланснки:

жисмоний ва юридик шахслар - Ўзбекистон Республикаси резидентларининг ушбу қарорга 2-иловада кўрсатилган ўзлари етиштирган ҳўл мева-сабзавот маҳсулотларини, шу жумладан бартер асосида, республика ташқарисига чиқариш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларининг тегишли рухсатномаларини олиши 2000 йил 1 октябргача бўлган даврда талаб қилинмайди;

контракт шартларидан келиб чиқиб, ҳўл мева-сабзавот маҳсулотларини юридик шахслар - Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан марказлаштирилмаган ҳолда экспорт қилиш олдиндан тўлиқ ва қисман ҳақ тўлаш асосида, консигнация шартларида ва бартер асосида амалга оширилиши мумкин;

2-иловага мувофиқ ҳўл мева-сабзавот маҳсулотларини бартер асосида марказлаштирилмаган ҳолда экспорт қилиш, истисно тариқасида, валюта тушумининг бир қисмини ваколатли банкларга мажбурий сотмасдан амалга оширилади.

3. Ўзлари етиштирмаган ҳўл мева-сабзавот маҳсулотларини республика ташқарисига чиқарувчи юридик шахслар учун Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 6 августдаги 338-сон қарори билан белгиланган ҳўл мева-сабзавот маҳсулотларини марказлаштирилмаган ҳолда экспорт қилиш тартиби сақлаб қолинсин.

4. Белгиланснки, консигнация ва бартер шартларида етказиб берилган ҳўл мева-сабзавот маҳсулотлари учун узил-кесил молиявий ва моддий ҳисоб-китоблар маҳсулот юклаб жўнатилган кундан бошлаб 90 кундан кечиктирмай амалга оширилиши керак.

Консигнация шартларида тузилган контрактлар бўйича валюта маблағлари ўз вақтида тушмаганлиги ва бартер шартларида тузилган контрактлар бўйича товарлар ўз вақтида етказиб берилмаганлиги учун шахсий жавобгарлик экспорт қилувчи корхоналар раҳбарлари зиммасига юкланади.

5. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси юклаб жўнатиладиган товарлар ва зарур ҳужжатлар берилган вақтдан бошлаб икки кундан ортиқ бўлмаган муддатда товарга илова қилинадиган ҳужжатлар расмийлаштирилишини ва ҳаракатланадиган таркиб ҳўл мева-сабзавот маҳсулотларини жўнатувчи турган жойга берилишини таъминласинлар.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси экспорт қилинадиган ҳўл мева-сабзавот маҳсулотлари бир кундан ортиқ бўлмаган муддатда божхонада расмийлаштирилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари ҳўл мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилувчиларга фитосанитария сертификати бир кундан ортиқ бўлмаган муддатда берилишини таъминласинлар.

Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасига, Адлия вазирлигига давлат органлари ва идоралари томонидан ҳужжатларни расмийлаштиришнинг белгиланган муддатларига риоя қилиниши, мева-сабзавот маҳсулотларини жўнатиш кечиккан тақдирда эса - юкни жўнатувчи томонидан кўрилган зарар айбдор шахслардан белгиланган тартибда ундириб олиниши устидан қатъий назоратни таъминлаш тавсия қилинсин.

(Давоми 3-бетда).

Ватаннинг ҳар сиқим тупроғи муқаддас, унда унган ҳар бир гиёҳ тамоман ўзгачадир. Юртбошимиз Сирдарё боғларига таъриф бера туриб, тилими тилни ёрадиган, тарихи минг йилларга туташ Мирзачўл қовунига алоҳида тўхталиб ўтганди. Вохада республика бўйича қовун сайилларини ўтказиб туриш таклифини ўртага ташлаганди. Бу ташаббус деҳқончиликка қут-барака киритди.

АМЕРИКАНИ ҲАЙРАТГА СОЛГАН НЕЪМАТ

Сирдарё тарихи билимдони Пиримқул дўст Муҳаммад билан Мирзачўл қовунлари ҳақида суҳбатлашиб қолдик. Пиримқул ака воҳа ўтмишини кўп йиллардан буён ўрганади. У тўплаган манбалар бир неча ўнлаб асарларга жо бўлиши шубҳасиз. Улар орасида қовун етиштириш тарихи ҳам алоҳида ўрин эгаллайди.

— Эрамиздан олдинги 328 йилда Искандар Зулқарнайн қўшинлари Хўжанд атрофида истилочилик юришлари олиб боради, - дейди суҳбатдошим. - Тарихий манбаларнинг шаҳодат беришича, босқинчилар ҳозирги Янгиер шаҳри яқинида, ўша даврларда мавжуд бўлган Лайлаккўл соҳилида ҳордиқ чиқаришади. Шу ерлик деҳқонлар етиштирган қовунни танаввул қилган Искандар унинг асалдек ширинлигига тан берган экан.

Пиримқул ака Мирзачўл қовунига таърифу тавсиф берганда, уни эътироф этган буюк шахслар ҳақида тўлқинланиб сўзлайди. X аср охири XI аср бошида Сайхун соҳилларида бўлган араб сайёҳи ва жуғрофи Ибн Ҳавкал ҳам ўзининг «Мамлакатлар ва йўллар» асарида Сир қовунига алоҳида таъриф берган экан. Дунёнинг ҳеч бир ерида бундай мазали қовунни татиб кўрмаганлигини ёзиб қолдирган. Буюк бобокалонимиз Бобур Мирзо ҳазратлари ҳам «Бобурнома»да, «Сайхун суйининг шимол тарафида... бир навъ қавундирким, «Мир Темурий» дерлар, андоқ қавун маълум эмаским оламда бўлмас. Самарқандни олғон маҳалда қавун келтириб, бир мажлисда кестурдим. Сайхун қавунининг ҳеч нисбати йўқ эрди», дея таъриф берган экан.

— Собиқ шўролар тузуми пахта яккаҳокимлигини жорий этгач, қовун етиштиришга ҳам эътибор сусайиб кетди. Мустақиллик шарофати туфайли қовунчилигимиз ҳам ўз қадр-қимматини топди. Яширишга не ҳожат. Ўн йил илгари сирдарёлик деҳқон Америкага бориб қовун экади, океан ортида ҳам ўзбек қовуни етиштирилади, деган гапга бировни ишонтириш қийин эди. Бугун бу айни ҳақиқатга айланди. Олис хорижда ҳам ўзбек қовуни палак ёзгани рост, - дея фикрига якун ясайди Пиримқул ака.

Дарҳақиқат, бу йил Сирдарё қовунчилиги тарихида бурилиш бўлди, десак муболаға бўлмас. Илк бора қовун етиштирувчилар бошини қовуштира оладиган ташкилотга ҳам асос солинди. Вилоят ҳокими қарори билан «Сирдарё қовун» фирмаси иш бошлади. Оқолтин ва Шароф Рашидов туманларидан 400 гектарга яқин энг унумдор ерлар ажратилди. Дастлабки қадамлар залворли бўлиши шубҳасиз. Айни дамда полиз пайкалларида ҳандалак обиноввот, амири, бўрикалла, кўкча, сариқ пўчоқ, оқ уруғ, қизилмағиз, босволди, гулоби, шакарпалак, асати, кампир чопон, қирқма каби қовунларнинг кўплаб хили етиштирилди.

— Пахта яккаҳокимлиги сабаб қовунчиликка ўгай муносабат туфайли бу нодир неъматнинг кўплаб навлари йўқолиб кетди, - дейди биз билан суҳбатда Мирзаобод туман Гулистон хўжалигидаги «Умар ота» фермер хўжалиги саркори, Республикада хизмат кўрсатган пахтакор Эргаш Умаров. - Ўз полизимизда қовуннинг қадимий турларини кўпайтириш ҳаракатидамиз. Шулардан бири «Жўрақанд» навли қовун. У мазаси, эти билан ажралиб туради. Унинг уруғини олиб, кўпайтириб халқимиз дастурхонини мазали неъмат билан бойитиш истагимиз бор.

Сирдарёликларнинг аксарияти қовун етиштиришни хуш кўришади. Бир қарич бўш ер кўрса албатта қовун уруғи ташлаб уни кўкартириш пайида бўлишади. Бу анъана қадимқадимдан барҳаёт яшаб келмоқда. Қовунчиликда ўз мактабини яратган деҳқонларни кўплаб учратиш мумкин. Мирзаободлик марҳум Ўрол бобо Абдусаломов ана шундай уста полизкорлардан бири эди. Кўплаб соҳибкорлар у кишидан қовун пайкалларга бир кўз ташлашини илтимос қилиб юришарди. Ўрол бобо қовунзорга бирров разм солдими бас. Ишловни қай йўсинда давом эттиришдан тортиб ҳосил чўғигача чамалаб берарди-қўярди. 20-30 сотих ердан ҳам бир неча гектарларда кутилаётган ҳосил олиш сирларини биларди. У кишининг хонадонидан йилнинг исталган фаслида қовун тановвул қилиш имкони бор эди. Бундай танти соҳибкор-деҳқонлар кўп.

Қовун ҳақида кўп гапирдигу рақамлар оз. Аслида мирзачўллик миришкорлар ҳар йили қанча миқдорда қовун етиштириб келишаяпти? Расмий манбаларда бу ҳақда маълумотлар оз. Аслида ҳар йили бир неча миллион тонна қовун тайёрланиб эл дастурхонига тортиқ этилмоқда. Ҳатто қўшни давлатлар фуқаролари ҳам бизнинг қовунимиз харидорига айланиб қолишган. Қовундан келадиган даромад-чи? Деҳқонларнинг эътироф этишича, ҳосил мўл бўлса, бир гектар ердан бир миллион сўмдан ортиқ фойда олинади. Шунча ерга эса кўпи билан 50-60 минг сўм сарф-харажат кетаркан. Кўриниб турибдики, қовун эккан деҳқон сира ютқазмайди. Кейинги йилларда қовун етиштиришнинг замонавий йўллари қидирилмоқда. Шулардан бири плёнка остига уруғ қадаш. Шунингдек, ғалладан бўшаган майдонлардан омилкорлик билан фойдаланиш ҳам мумкин. Июн ойининг охиригача қовуннинг қирқма, қора қирқма сингари узоқ сақланадиган турини экиб, пишириб олиш мумкин экан. Бу йил вилоятда шу усулдан фойдаланиб қовун етиштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

— Қовунни ҳамма ерда етиштириш мумкин экан. Аммо унга асалдек таъмни фақатгина серқуёш Ўзбекистон табиати ато этишини билдик, - дейди Америкада қовун эккан И.Аноркулов. - Хорижда буни ўз тажрибамиздан ўтказдик. Айниқса, Мирзачўл қовуни мазасини дунёнинг ҳеч бир ерида пишиб етилган қовун таъми билан солиштириб бўлмайди. Еримизга Аллоҳнинг назари тушганлиги айни ҳақиқат.

Муқаддас диёримизда етиштирилаётган неъматларнинг бири — қовун ҳақида озми-кўпми фикр юритдик. Зеро, халқ бунёдкорлиги абадийдир.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ишонч» мухбири.

Бурч ва масъулият

МУРОСАСОЗ КАСАБАҚЎМ

Косимжон Юсупов иш кабинетида қоғозларни титкиларкан, ўзича мамнун ҳолда хаёл сурарди. Ахир, кимсан, Наманган вилоятидаги ўсимликлар карантини Давлат инспекцияси касаба уюшма қўмитасининг раиси. Бир чети инспекция бошлиғи Эркинбой Турғунов имзоси қаторига уники ҳам қўйилмагунча унча-мунча буйруқ кучга кирмайди. Бир куни касабақўм ўз хонасида ишлаб ўтирарди. Эшик тақиллади. К.Юсупов қиёфасига жиддийроқ тус берди:

— Киринг!

Котиба одоб билан салом бериб кираркан, қўлидаги қоғозни узатди.

— Шунга имзо чекиб юборарксанси.

— Яхши, мен натижасини маълум қиламан.

— Йўқ, ҳозироқ имзо чекаркансиз. Бошлиқ тайинладилар. Шу асосда буйруқ чиқаркан.

Қўмита раиси бошлиқ номини эшитди-ю, шошилиб кўз ташлади. Унда оддий ишчи, тўғрироғи фаррош Маъмура Мирзаакбаровани ишдан бўшатиш юзасидан бошлиқ буйруғи акс этган эди. Қ.Юсупов жилмайди:

— Бошлиқ шуни хоҳлаптиларми, биз ҳам қўшиламиз.

Хўш, гап нима ҳақида бораяпти? Нега энди касаба уюшма қўмитаси раиси бурч масъулиятини унутиб, ташкилот бошлиғининг истагини ўзи учун салкам қонунга айлантириб олган?

Аслида воқеа бундай: бозор муносабатларига ўтиш даврининг ўзига хос талабларига кўра иқтисодий ислоҳотлар ҳаётимизнинг ҳамма жабҳасига ўз таъсирини ўтказмоқда. Жумладан, биз сўз юритаётган ташкилотга ҳам. Шу масала бўйича кўрсатма олингач, ходимларни бирма-бир кўз ўнгидан ўтказган бошлиқ фаррош номзодида тўхталди. Аёл ювошгина, бирон марта бировга гап қайтарганини кўрмаган. Ишдан бўшатилганлиги учун кўз ёши қилса, штат қисқартирилганлигини баҳона қилади-вассалом. Шу боисдан котибага тездан фаррош М.Мирзаакбаровани ишдан бўшатиш юзасидан буйруқ тайёрлашни топширди. Бироқ раҳбар ходимни ишдан бўшатиш масаласига мавжуд қонунларга суянган ҳолда ёндошиши лозимлигини унутди. Ёки... У бундай мазмундаги буйруқлар касаба уюшма қўмитаси раиси имзо қўйиб маъқулламагунча ҳақиқий ҳисобланмаслигини яхши биларди. Шу боисдан уни Қосим Юсупов ихтиёрига чиқарди.

Энг ажабланарлиси шундаки, бундай маҳалда қўмита раиси қатъийлик кўрсатмади. Касаба уюшманинг чинакам вазифаси ва бурчи нимадан иборат эканлигини тушуниб етмади. Ишловчининг ҳимояси учун жон куйдириш ўрнига келишувчанлик қилди, аниқроғи ташкилот бошлиғининг буйруғи ноқонуний эканлигини била туриб масъулиятсизлик қилди. Ўзига нисбатан адолатсизлик қилинганидан ранжиган М.Мирзаакбарова вилоят агросаноат мажмуи ходимлари тармоқ қўмитасига шикоят билан мурожаат қилишга мажбур бўлди.

Шикоятни атрофлича ўрганиш шуни кўрсатдики, чиндан ҳам вилоят ўсимликлар карантини Давлат инспекцияси бошлиғи Эркинбой Турғунов томонидан фаррош Маъмура Мирзаакбаровага нисбатан адолатсизлик қилинган. Ҳолбуки, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 237-моддасида ҳомиладор ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар билан меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинишига йўл қўйилмайди, деб катта ҳарфлар билан ёзиб қўйилган. Маъмура Мирзаакбарованинг эса худди шундай фарзанди бор бўлгани ҳолда ташкилот раҳбари ҳеч нарсани ўйламасдан уни ишдан озод қилиш бўйича буйруқ чиқарган. Касаба уюшма қўмитаси раиси Қосим Юсупов ҳам мавжуд қонунни эътиборга олмасдан буйруқни маъқуллаб, жимжимадор имзо чекиб юбораверган.

Баён қилинган ҳолатлар бўйича, яъни М.Мирзаакбаровани ноқонуний ишдан бўшатганлиги сабабли уни ўз жойига қайта тиклаш ва мажбурий бекор юрган даври учун иш ҳақи тўлаш юзасидан вилоят ўсимликлар карантини Давлат инспекцияси бошлиғи Э.Турғунов номига тақдимнома юборилди. Шунингдек, фаррош М.Мирзаакбаровани ишдан бўшатиб, меҳнат қонунлари талабини бузганлиги учун Э.Турғуновга Ўзбекистон Республикаси маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 49-моддасига биноан пул жаримаси солинди. Ўз вазифасига лоқайдлик билан қараб, ходим манфаатини ҳимоялаш ўрнига, уни ноқонуний равишда ишдан бўшатилишига йўл қўйиб берганлиги учун касаба уюшма қўмитаси раиси Қ.Юсупов масаласи Давлатобод тумани касаба уюшма тармоқ қўмитаси эътиборига ҳавола қилинди.

Маҳмуджон ҲАЙДАРОВ,
агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Наманган вилояти қўмитаси меҳнат ҳуқуқи инспектори.
Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» мухбири.

9 ЎЗБЕКИСТОННИНГ ўз истиқлол ва тараққиёт йўли бор

Ҳозирги пайтда тадбиркорлик билан шуғулланаётганлар тобора кўпаймоқда. Аммо тадбиркорлик турларини ҳам фарқлай олишимиз керак. Эл манфаатига бўйсундирилган, ишлаб чиқаришга қаратилган фаолиятни олқишлаш, қадрлаш муҳим. Чунки мамлакат иқтисодиётининг ривожланиши, турмушнинг фаровонлашуви ана шуларга ҳам боғлиқ.

ХУСУСИЙ ТАКСОПАРК

Хуршид Раупов иккиланмай хусусий корхона биносини қуришга киришди. Шу билан бир қаторда мавжуд шароитдан фойдаланиб, енгил машиналар шинасини таъмирлаш, аккумуляторлар тайёрлашни бошлади. Ишнинг илк ривожидан илҳомланган Хуршид ака ўша вақт учун мутлақо янгилик бўлган «хусусий таксопарк» ташкил этди. Аниқроғи, Самарқанд шаҳри ва унинг атрофидаги қишлоқларда яшовчи киракаш енгил машина эгаларини 480 кишилик жамоага бирлаштирди. Йўловчиларга транспорт хизмати кўрсатувчи ширкат вужудга келди. Сўнгра ишлар бир неча йил бир маромда давом этди. Бу орада Самарқанд тадбиркорлигининг қалдирғочи ҳисобланмиш «Лидер» фирмасининг раҳбари Хуршид Раупов ўзи ҳам, жамоаси ҳам анча тажриба орттиришди. Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши улар фаолиятини янада юқорироқ поғонага кўтарди.

Шундай қилиб, Хуршид Раупов ўзининг янги-янги ғояларини амалга ошира бошлади. Қисқаси, 1994 йилга келиб бирданига иккита корхонани ишга туширди. Буларнинг бирида енгил машиналар учун шина ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Иккинчисида эса аёллар, эркаклар ва болаларнинг трикотаж либослари тайёрлана бошланди. Йилига 50 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиши фирманинг иқтисодий аҳволини ўнглашда асосий омиллардан бири бўлди.

— Эришилган натижа билан чекланиш, фаолиятдан қониқиш мумкин эмас. Бу иштиёқни сўндиради. Фақат изланишгина тадбиркорнинг қанотидир, - дейди Хуршид Раупов. — Бизнинг ягона мақсадимиз юртимиз иқтисодий равнақига ҳисса қўшиб, халқимиз турмуши фаровонлашувига кўмаклашишдир. Шу туфайли Самарқанднинг Темирйўл тумани ҳудудида маиший хизмат кўрсатиш мажмуини ташкил қилдик.

Тадбиркорга осон тутиб бўлмайди. У ўз фаолиятидан ҳамиша фойда кўради, деб ўйлаш ҳам нотўғри. Чунки ҳамма нарса унинг ўзигагина боғлиқ эмас. Олға ҳаракат тўхтаб қолмаса бас. Хуллас, у чорвачилик соҳасида ҳам омадини синаб кўришга аҳд қилди. 1998 йилда «Сарвар» фермер хўжалигини очди. Ҳозир бу ерда 250 бош чўчқа, 40 бош қорамол парваришланаяпти. Натижалар ёмон эмас. Ишлаган одам изланаверади, бошқаларга ҳам нафи тегишини истайди. Яқинда у Самарқанддаги 14-автобус парки ва 16-автокорхона акцияларни пакетини сотиб олди. Унинг саъй-ҳаракати билан бу корхоналар ишида жонланиш сезилди. Қарийиб тўхтаб қолган корхоналар фойда ола бошлади.

Аниқ мақсад билан узоқни кўзлай оладиган тадбиркоргина ниятига эришиши мумкин. Х.Раупов ҳам ана шундайлардан. У одамларга наф келтиришни ҳамма нарсадан устун қўяди.

— Тармоқ касаба уюшмаларига қарашли «Бинокор» болалар оромгоҳи илгари «Самарқандкимёқурилиш» трести тасарруфида эди. Аммо иқтисодий-молиявий ночорлик сабаб трест оромгоҳни сақлаш имкониятидан марҳум бўлди. Шунда «Лидер» хусусий фирмаси оромгоҳни ўз тасарруфига олди, - дейди Самарқанд вилоят қурилиш ва бинокорлик ашёлари ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси В.Шипицила. — Бу вақтда соғломлаштириш мавсуми бошланишига атиги бир ой қолганди. Шунга қарамай, Хуршид Раупов раҳбарлигида режалаштирилган ҳамма ишлар бажарилди. Оромгоҳ тўлиқ таъмирланиб, ишга туширилди. Шароит илгаригисига нисбатан анча яхшиланди.

Хуршид аканинг режалари катта. У келгусида мазкур оромгоҳни доимий ишлайдиган болалар сиҳатгоҳига айлантириш ниятида. Бундай савоб ишда уни қўлламоқ жоиз, холос. Зеро, савобли иш қилмоқ инсон учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Р.ҚУРБОНОВ,
«Ишонч» мухбири.

ПРЕЗИДЕНТ АСАРЛАРИ ЧУҚУР ЎРГАНИЛМОҚДА

Маънавияти буюк халқгина миллат сифатида яшаб қолишга ҳақлидир. Чунки маънавият ҳар бир инсоннинг дил мулкигина бўлиб қолмай, юксак тараққиётнинг, буюк келажакнинг ҳам мустаҳкам пойдеворидир. Бу ҳақиқатни дил-дилидан англаган «Камолот» жамғармаси «Муборакнефтгаз» НГКБ жамоатчилик маркази ходимлари ёшларнинг маънавий оламини бойитиш йўлида самарали фаолият кўрсатишмоқда.

Жамоатчилик марказида тўрт нафар киши ишлашига қарамай, улар 2000 нафардан зиёд аъзоси бўлган бошқарма жамоаси ўртасида ўзига хос мавқега эга. Шубҳасиз, марказ аъзолари бундай эътиборга фидокорона меҳнатлари туфайли эришмоқдалар. Бошқармага қарашли барча кон, цех, участка ва бўлимларда ташкил қилинган маънавият хоналарида марказ аъзолари мунтазам машғулотлар олиб боришади. Ҳар бир давра суҳбати, қизиқарли учрашувлар,маънавий ва маърифий йўналишдаги тадбирлар ишчилар, хусусан, ёшлар маънавиятининг юксалишига самарали таъсир кўрсатаётир.

Шеърият мулкининг султони Алишер Навоий тавалудининг 559 йиллиги муносабати билан бошқармага қарашли «Кўқдумалоқ», «Ўртабулоқ», «Шимолий Ўртабулоқ» ва «Қуруқ» конларида ўтказилган давра суҳбатларини ёшлар ҳали ҳамон мароқ билан эслашади. Чунки бундай фараҳбахш кечаларда улар нафақат томошабин бўлишади, балки ўзлари ҳам иштирок этишади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ижтимоий - маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, диний ақидапарастликнинг олдини олиш тўғрисида»ги қарори ва ундан кейинги ҳукумат қарорлари, Президент фармонлари асосида бошқарманинг барча кон, цех ва участкаларида ўтказилган «Ақидапарастлик - иллат», «Дин ва ёшлар», «Диний экстремизмнинг оқибатлари» мавзуларидаги давра суҳбатлари ҳам ёшлар онгининг ўсишида муҳим рол ўйнади.

Бошқарманинг барча кон, цех ва участкаларидаги маънавият хоналарини кўздан кечирган одам жамоатчилик маркази ходимлари олиб бораётган ишлар кўлами кенглигига амин бўлади. Аввало, бу хоналар Президентимиз асарлари, барча зарурий ва бадиий адабиётлар билан тўлиқ таъминланган. Бошқарма ёшлари бўш вақтларида оммавий ахборот воситалари билан танишиб боришлари учун республикамизда нашр этиладиган марказий ҳамда маҳаллий газета ва журналларга бепул обуна қилинган. Бундан ташқари маънавият хоналарида мазкур нашрларнинг ҳаммаси тартиб билан сақланмоқда. Янгиликлардан бохабар бўлиш ёки ўз билимини оширишни истаган бошқарманинг ҳар бир ишчиси бу хоналарга ташриф буюриб, ўзига керакли нашрдан фойдаланиши мумкин.

- Бизнинг мақсадимиз, - дейди «Камолот» жамғармаси «Муборакгазнефт» НГКБ жамоатчилик марказининг раиси Н.Бегимов, - ёшларимизни нафақат маънан ва руҳан соғломлаштириш, балки уларни жисмонан баркамол авлод сифатида тарбиялашдир. Шу мақсадда жамоатчилик маркази бошқарма маъмурияти, касаба уюшма қўмитаси ҳамда бошқарма спорт қўмитаси билан ҳамкорликда бир қатор тадбирлар режасини ишлаб чиққан. Жумладан, спорт мусобақаларини юқори савияда ўтказиш, маҳаллий ҳамда республика миқёсидаги мусобақаларда фаол иштирок этиш, «Кураш - менинг ифтихорим» шиори остида турнир ташкил этиш, спортнинг футбол, волейбол, арқон тортиш, тош кўтариш, кураш, шахмат, шашка турлари бўйича мусобақалар ўтказиш режалаштирилган. Шунингдек, барча ғолибларга бошқарма маъмурияти, касаба уюшма қўмитаси ҳамда «Камолот» жамғармаси жамоатчилик марказининг фахрий ёрлиқлари, эсдалик совғалари ва қимматбаҳо совринлари топшириш кўзда тутилган.

Жамоатчилик маркази фаолияти билан танишар эканмиз, уларнинг ҳар бир иши ёшларни маънавий ва жисмоний жиҳатдан етук инсонлар сифатида камолга етказишга хизмат қилишига амин бўлдик.

З.РАҲМАТУЛЛАЕВ.

Болаларни соғломлаштириш — касаба уюшмалари оталиғида

АМУДАРЁ СОҲИЛИДАГИ СЎЛИМ ГЎШАЛАР

Амударёнинг сўлим соҳилларидаги оромгоҳларда бахтиёр ёшлар кулги-қаҳқаҳаси ҳукмрон. Улар табиат қучоғида мириқиб дам олишмоқда. «Шодлик», «Жайхун», «Коинот» сўлим гўшаларидаги болалар етакчилар раҳбарлигида тез-тез саёҳатга чиқиб турадилар. Урганч отчопари қаршисидаги соя-салқин қўл бўйлари энг севимли жой ҳисобланади. Ахир, жазирама иссиқда зилол сувда чўмилиб, гўзал табиат қўйнида дам олишга нима етсин.

— Оромгоҳимизга вилоятимизнинг кўпгина туманларидан ўқувчилар келишган, - дейди вилоят касаба уюшмаларига қарашли «Шодлик» оромгоҳи раҳбари Ўктамбой Аминов. - Юзга яқин болалар соғломлаштирилмоқда. Улар учун барча шароитлар муҳайё этилган.

Чинданам, бу ерда ибратли тадбирлар амалга ошириляпти. Бош етакчи Елена Ибодуллаеванинг таъкидлашича, кунора дискотека ўтказилиб, кинофильмлар намойиш этилмоқда. Куни кеча «Балли қизлар» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Бу тадбир чинакам байрамга айланди. Унинг иштирокчилари ўзларининг топқирлиги ва зукколиги билан олқишларга сазовор бўлишди. Урганч шаҳридаги 24-санъат гимназияси ўқувчилари Нигора Матжонова ва Ёқутхон Собировалар совринни қўлга киритишди.

«Жайхун» ёшлар оромгоҳи ажойиб санаторий ёнига жойлашган. Ён-атроф саранжом-саришта. Анвойи гуллар, дов-дарахтлар кишига завқ-шавқ бағишлайди. Бу ерда биринчи сменада 200 нафар бола соғломлаштирилди. Кадрлар масаласи яхши йўлга қўйилганлиги боис, ҳар бир тадбир вақтида, кўнгилдагидек амалга ошириляпти. Эътиборлиси шуки, баъзи жонқуяр хўжалик раҳбарларининг саъй-ҳаракати билан сархил сабзавот маҳсулотлари ва бошқа неъматлардан узилишлар бўлмаяпти. Ёз соз ўтмоқда.

Кўзи ДАВЛЕТОВ,
Хоразм вилояти.

Шарқираб оқаётган Турнабулоқ дарёси бўйлаб баландликка кўтариламиз. Кўп ўтмай вилоят сув қурилиш бошқармасига қарашли «Ниҳол» болалар оромгоҳига етиб келдик. Салқин ҳаво, гулу райхонлар ҳиди кишига ҳузур бахш этади. Сайроқи қушлар хониши ён-атрофни тутган. Бу ерлар бамисоли жаннатнинг ўзи.

ЗАВҚИ ЎЗГАЧА

Оромгоҳ бош етакчиси Нормамат Хуррамов билан суҳбатлашамиз. Унинг ҳикоя қилишича, учта 80 ўринли, чиройли таъмирланган хоналарда 300 болага мўлжалланган ошхона, кутубхона, ўқиш зали жойлашган. Мевали дарахтлар сероб. Олма, шафтоли ғарқ пишган. Умумий ҳудуди 10 гектар. Мавсум мобайнида 700 ўқувчи соғломлаштирилади. Кўпчиликка кинотеатр, чўмилиш ҳавзалари маъқул бўлмоқда. Кўринарли ерларда она Ватанга меҳр-муҳаббат руҳи билан йўғирилган шиорлар.

Бу оромгоҳдаги чўмилиш ҳавзаси, спорт секциялари, шахмат-шашка тўгараги ҳамиша гавжум. Тарбиячи ва тиббий ходимлар Панжи Қодиров, Санъат Исоқов, Мавжуда Рўзиева, Гулзода Нарзуллаева ва бошқалар ташкилий-тарбиявий ишларни намунали олиб боришмоқда. Болалар Яккабоғ ва Шаҳрисабз туманларидаги тарихий обидаларни зиёрат қилиш имконига эга бўлмоқдалар. Бу қувончли ва бахтли онлар узоқ вақт улар хотирасида сақланиб қолади.

Х.ТЎРАЕВ,
Яккабоғ туман ёш сайёҳлар ва ўлкашунослар маркази услубчиси.

«Ишонч»га жавоб берадилар

ИШ ҲАҚИ УНДИРИБ БЕРИЛДИ

Таҳририятимизга ёзма равишда мурожаат этган Эркин Абдураҳимов Косон туманидаги Бобур номли жамоа хўжалигидан ишлаган йиллари учун ҳанузгача қонуний ҳақини ололмай сарсон юрганини баён қилганди.

Ўз навбатида таҳририят газетхон хатини текшириш ва тегишли чора кўриш учун Косон тумани ҳокимлигига юборган эди. У ердан олинган жавобда қайд этилишича, Э.Абдураҳимовнинг 1996-1997 йиллар мобайнида ишлаган иш ҳақи 19215 сўм тўла ундириб берилган.

Фармон ва ижро

Ўзбекистон Президентининг Рангли металлар парчалари ва чиқиндилари ўғирланиши ҳамда четга ноқонуний равишда олиб чиқиб кетилишининг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисидаги Фармонидан вокиф бўлмаган киши топилмаса керак. Лекин, нафс балосидан ўзини тиёлмай, қонунбузарликка йўл қўяётганлар афсуски учраб турибди.

Навоий вилоят ДАНБ алоҳида гурухи сардори муовини Шермурод Эгамовдан бу ҳақда сўраганимизда, қуйидагиларни гапириб берди:

МЕТАЛЛ ЎҒРИЛАРИ ТУЗОҚДА

— Айрим нафси ҳакалак отганлар ДАН масканларидаги масъул ходимларни ҳам чалғитмоқчи бўлиб, айланма йўллар билан юртимиз бойлигини четга олиб чиқиб кетишга уринмоқдалар. — Бунга йўл қўймаслик учун қўшимча постлар ташкил этганмиз. Яқинда ўтказилган тадбирлардан бирида айланма йўл билан кетаётган «Икарус-256» русумли, давлат автобус тўхтатилганда, ўриндиқлар олиб ташланганлигининг гувоҳи бўлдик. Улар ўрнида 4820 килограмм зангламайдиган металл ва 120 килограмм мис металл парчалари Қозоғистонга олиб кетилаётганлиги маълум бўлди.

Автобус ҳайдовчиси ғиждувонлик Шавқиддин Усмонов шу туманда яшовчи 12 нафар фуқарога ана шундай ҳомийлик йўлини танлаб, «савоб учун» уларга хизмат қилишга бел боғлабди.

Шунингдек, айланма йўлларда ўз енгил машиналарида «тадбиркорлик» фаолияти билан сафарга отланган уддабуронларга ҳам дуч келяпмиз.

Масалан, Ғиждувон тумани С.Айний номли жамоа хўжалиги аъзоси Адиз Тешаев «ВАЗ-2103» русумли, давлат белгиси «20Д 4006» автомашинасида рангли металл парчаларини олиб кетаётганида гуруҳимиз томонидан тўхтатиб қолинди.

Шунингдек, «тадбиркорлар» орасида Ургут туманидан Омон Ражабов (2120 килограмм), Фаттоҳ Ҳазратов (1500 килограмм), Самарқанд тумани «Ғалаба» жамоа хўжалиги фуқароси Жамшид Олимов (2000 килограмм алюминий ва 1 тонна мис) каби нафси ҳакалак отганларнинг ҳам жиловларини тортиб қўйишга тўғри келди.

Юрт бойлигига хиёнат қилган кимсаларнинг ҳеч қачон бири икки бўлмаслиги барчага аён. Бундай шахсларга қарши олиб борилаётган тадбирларда йўл патрул хизмати ходимлари Т.Баратов, У.Диёров, Б.Султонов, А.Отақулов, И.Эргашев, А.Сафаров ҳамда гуруҳ сардори, милиция катта лейтенанти Б.Ҳалимовларнинг ҳушёрликлари қўл келмоқда.

М. ҲАЙИТОВА,
«Ишонч» мухбири.

Ижтимоий ҳимоя

ИМТИЁЗ

Ёрдамга муҳтож аёллар меҳр оғушида

Боғот тумани марказий шифохонаси касаба уюшма қўмитасининг 2380 нафар аъзоси бор. Туман аҳолиси янги бинога жойлашган замонавий асбоб-ускуналарга эга шифохонада даволаниб, ўз соғлиғини мустаҳкамлаш имкониятига эга.

Марказий шифохона касаба уюшма қўмитаси маъмурият билан жамоа шартномаси имзолаган бўлиб, унда ишчи-хизматчи, ходимларни ижтимоий ва ҳуқуқий муҳофаза қилиш, кам таъминланган, кўп болали оилалар ва пенсионерларга, ногиронлар оилаларига ёрдам бериш ишларига кенг ўрин берилган. Қуронбой Эгамбердиев бошчилигидаги касаба уюшма қўмитаси жамоа шартномаси бажарилишини қаттиқ назорат қилиб боради. Шу боисдан бўлса керак, маъмурият ҳам жамоа шартномаси бандларига умуман, меҳнат қонунларига қатъий риоя қилмоқда. Бунинг самараси ўлароқ бир неча йилдан буён ноҳақ ишдан бўшатиш ёки қонунбузарлик ҳолатлари содир қилинмади.

Ўтган йил охирида шифохона касаба уюшма қўмитаси ўз йиғилишида жамоа шартномасининг қандай бажарилаётганини кўриб чиқди. Муҳокама жараёнида шартномадаги деярли барча бандлар бажарилганлиги маълум бўлди. Жумладан, ишчи-хизматчиларнинг маошлари ўз вақтида тўланган. Кам даромадли оилаларга 15 фоизли устама, яъни 3 миллион 800 минг сўм, тиббиёт ходимларини ижтимоий ҳимоялаш мақсадида газ тўловлари учун 14,5 миллион сўм, электр энергияси учун 4,5 миллион сўм тегишли идораларга ўтказиб берилган.

Касаба уюшма қўмитаси жамоада ишловчи барча хотин-қизларни диспансер кўригидан ўтказди. Соғломлаштирилиши зарур бўлган 56 нафар хотин-қиз имтиёзли йўлланмалар билан сиҳатгоҳларга юборилди. Айни вақтда бундай эзгу ишлар давом эттирилмоқда.

Бу ерда ишлаётган ва жамоада ишлаб кетган кўп болали оилалар, ногиронлар, фахрийларни ижтимоий муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қилинади. Байрамларда улар ҳолидан хабар олиб турилади.

Жамоа шартномасида муҳофаза лод тарбиясига бағишланган бир боб киритилган. Унга биноан мактабда боласи ўқийдиган ишчи-хизматчиларга китоб пули тўланади. Ёш оилаларга кўрсатилганидек, уларга 75 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Бундан ташқари, уларнинг фарзандларидан 8 нафари марказий оромгоҳларда, 117 нафари вилоят оромгоҳларида дам олиб қайтдилар. Соғлом авлод йили муносабати билан жамоа шартномасида имтиёзлар янада кўпайди.

Марказий шифохона касаба уюшма қўмитаси билан маъмурият ўртасида бу йилги тузилган шартномага соғлом авлод тарбиясига бағишланган бир боб киритилган. Унга биноан мактабда боласи ўқийдиган ишчи-хизматчиларга китоб пули тўланади. Ёш болали, ҳомиладор, якка-ёлғиз, кам даромадли, ночор, ногирон оналарга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилмоқда.

Шу йилнинг биринчи ярмида жамоа шартномасига биноан ижтимоий муҳофазага муҳтож 52 нафар ишчи-хизматчига моддий ёрдам кўрсатилди. 55 нафар ишчи-хизматчига 15 фоиз устама берилди. Бу эса 247,5 минг сўм демакдир.

— Жамоамизда ҳукуматимизнинг тиббиётни ислоҳ қилиш бўйича чиқарган қарор ва кўрсатмалари юзасидан ҳам бир мунча ишлар қилинмоқда. Жумладан, 30 ўринли шошилинч тез ёрдам маркази, ўн ўринли пулли бўлим, 2 та кичик корхона ишга туширилди, - дейди марказий шифохона касаба уюшма қўмитаси раиси Қ.Эгамбердиев,— бундан ташқари, 2 та фельдшерлик пункти хусусийлаштирилган, 4 та хусусий дорихона ташкил қилинган.

Умуман, шифохонада олиб борилаётган кенг кўламли ишлар ишчи-хизматчиларни касаба уюшмалари атрофига янада жипсроқ бирлаштиряпти.

Э.ЭРМАТОВ,
«Ишонч» мухбири.

ХОДИМГА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАР УЧУН ИШ БЕРУВЧИНИНГ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА

Ҳурматли таҳририят!

Газетанинг шу йил 8 июл сонида босилган «Ишни таълим билан бирга қўшиб олиб бораётган шахслар учун имтиёзлар» ҳақидаги ҳуқуқшунос тушунтиришлари бизга жуда манзур бўлди. Кўпгина саволларга жавоб олдик.

Энди сизлардан Ходимга етказилган зарар учун иш берувчининг моддий жавобгарлиги тўғрисида ҳам тушунча беришингизни сўраймиз.

З.МАМАЮСУПОВ, Э.ОДИЛОВА, Қ.МАТРАСУЛОВ, ўқитувчилар.
Урганч тумани.

Ушбу саволга Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг қуйидаги моддаларида батафсил тушунча берилган.

187-модда. Ходимга тўланиши лозим бўлган зарар

Ўз меҳнат вазифаларини бажариши муносабати билан ёки меҳнат қилиш имкониятидан ғайриқонуний равишда маҳрум этилганлиги натижасида ходимга, боқувчиси иш билан боғлиқ ҳолда вафот этган тақдирда эса, — унинг оила аъзоларига (192-модданинг биринчи қисми) етказилган ҳар қандай зарарни (шу жумладан, маънавий зарарни) иш берувчи, башарти ушбу Кодексда бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса, тўлиқ ҳажмда тўлайди.

Маънавий зарар (жисмоний ёки руҳий азоблар) пул шаклида ёки бошқа моддий шаклда ҳамда иш берувчи ва ходим ўртасидаги келишувга мувофиқ равишда, ходим меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда вафот этган тақдирда эса, — иш берувчи ва вафот этган ходимнинг оила аъзолари ўртасидаги келишувга мувофиқ равишда белгиланган миқдорда қопланади. Маънавий зарарни қоплаш юзасидан низо келиб чиққан тақдирда бу масала судда кўриб чиқилади.

188-модда. Иш берувчининг ходимга меҳнат қилиш имкониятидан ғайриқонуний равишда маҳрум этилганлиги натижасида етказилган зарарни тўлаш мажбурияти

Ходим меҳнат қилиш имкониятидан ғайриқонуний равишда маҳрум этилган барча ҳолларда ололмай қолган иш ҳақини иш берувчи унга тўлаши шарт. Бундай мажбурият, агар иш ҳақи ишга қабул қилиш ғайриқонуний равишда рад этилганлиги, меҳнат шартномаси ғайриқонуний равишда бекор қилинганлиги ёки ходим ғайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказилганлиги ва меҳнат низоларини кўрувчи органларнинг бундай ишлар юзасидан чиқарилган қарори ўз вақтида бажарилмаганлиги, меҳнат дафтарчасини бериш кечиктирилганлиги, ҳар қандай йўллар билан ходимнинг шаънига доғ туширувчи маълумотлар тарқатилганлиги натижасида, башарти бу маълумотлар ҳақиқатга тўғри келмаса, шунингдек бошқа ҳолларда олинмай қолган бўлса, келиб чиқади.

189-модда. Иш берувчининг ходим соғлиғига етказилган зарарни тўлаш мажбурияти

Ходимнинг соғлиғига меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки у ўз меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши сабабли етказилган зарарни иш берувчи тўлиқ ҳажмда тўлаши шарт.

Ходимнинг иш берувчининг ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам меҳнатда майиб бўлиши, шунингдек иш берувчи томонидан ажратилган транспортда иш даромадлар ҳисобга олинмайди. Бунда меҳнатда майиб бўлган жабрланувчилар — ногиронларга зарарни қоплаш учун тўланадиган сумма қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг эллик фоизидан оз бўлиши мумкин эмас.

191-модда. Ходимнинг соғлиғига шикаст етказилганда меҳнат шартномаси тарафларининг аралаш жавобгарлиги

Агар жабрланувчининг қўпол эҳтиётсизлиги зарарнинг келиб чиқиши ёки жойига келаётган ёки ишдан қайтаётган вақтда шикастланиши натижасида етказилган зарар учун иш берувчи моддий жавобгар бўлади.

Меҳнатда майиб бўлиш оқибатида ёки ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши сабабли ходимга етказилган зарарни иш берувчи, башарти зарар унинг айби билан келиб чиқмаганлиги исботлаб беролмаса, тўлаши шарт.

Ўз меҳнат вазифаларини бажараётган вақтида юқори хавф манбаи натижасида ходимнинг соғлиғига етказилган зарарни иш берувчи, башарти зарар уни бартараф қилиш мумкин бўлмаган кучлар туфайли ёки жабрланувчи қасддан қилганлиги оқибатида келиб чиққанлигини исботлаб беролмаса, тўлаши шарт.

190-модда. Ходимнинг соғлиғига шикаст етганлиги муносабати билан тўланиши лозим бўлган зарар миқдори

Тўланиши лозим бўлган зарар жабрланувчининг меҳнатда майиб бўлишига қадар олган ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан фоиз ҳисобида, унинг касбга оид меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражасига мувофиқ белгиланадиган ҳар ойлик тўловдан, соғлиғига шикаст етиши билан боғлиқ қўшимча харажатларнинг компенсациясидан, шунингдек белгиланган ҳолларда эса, — бир йўла бериладиган нафақа тўлашдан иборатдир.

Касбга оид меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражаси ва жабрланувчининг қўшимча ёрдам турларига муҳтожлиги тиббий-меҳнат экспертиза комиссияси (ТМЭК) томонидан аниқланади.

Зарар ўрнини қоплаш учун тўловларни тайинлашда жабрланувчи олаётган иш ҳақи, стипендия, пенсия ва бошқа даромадлар ҳисобга олинмайди. Бунда меҳнатда майиб бўлган жабрланувчилар — ногиронларга зарарни қоплаш учун тўланадиган сумма қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг эллик фоизидан оз бўлиши мумкин эмас.

191-модда. Ходимнинг соғлиғига шикаст етказилганда меҳнат шартномаси тарафларининг аралаш жавобгарлиги

Агар жабрланувчининг қўпол эҳтиётсизлиги зарарнинг келиб чиқиши ёки кўпайишига сабаб бўлса, тўланиши лозим бўлган зарар миқдори жабрланувчининг айби даражасига қараб, мувофиқ равишда камайтирилади.

Жабрланувчи томонидан қўпол эҳтиётсизлик қилинган ва иш берувчининг айби бўлмаган ҳолларда, унинг айбидан қатъи назар жавобгарлик келиб чиқадиган бўлса (189-модданинг тўртинчи қисми), тўланадиган зарар миқдори ҳам шунга мувофиқ равишда камайтирилади. Бундай вақтда зарарни тўлашни рад этишга йўл қўйилмайди.

Аралаш жавобгарлик тўланиши лозим бўлган зарарнинг қўшимча турларига, бир йўла бериладиган нафақага, шунингдек боқувчининг вафоти муносабати билан зарарни тўлаш ҳолларига татбиқ этилмайди.

192-модда. Боқувчининг вафот этганлиги муносабати билан зарарни иш берувчи томонидан тўлаш мажбурияти

Ходим меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллиги ёки меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда соғлиғига бошқача тарзда шикаст етиши сабабли вафот этган ҳолларда, иш берувчи марҳумнинг қарамоғида бўлган меҳнатга қобилиятсиз шахсларга, шунингдек ўн олти ёшга тўлмаган ёки у вафот этган кунга қадар ундан таъминот олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга, марҳумнинг вафотидан кейин туғилган фарзандига, шунингдек ота-онасидан бирига, умр йўлдошига ёки оиланинг бошқа аъзосига, агар у ишламасдан марҳумнинг уч ёшга етмаган болалари (укалари, сингиллари) ёки неваларининг парвариши билан банд бўлса, зарарни тўлаши шарт.

Қарамоқда бўлиш фараз этилади ва бунинг учун далил талаб этилмайди.

Қуйидагилар меҳнатга қобилиятсиз деб ҳисобланади:

ўн олти ёшдан катта шахслар, агар улар шу ёшга тўлгунга қадар ногирон бўлиб қолган бўлсалар;

олтмиш ёшга тўлган эркаклар ва эллик беш ёшга тўлган аёллар;

белгиланган тартибда ногирон деб топилган шахслар.

Оила аъзосининг меҳнатга қобилиятсизлиги бошланган вақт (боқувчининг вафотига қадар ёки ундан кейин) унинг зарарни ундиришга бўлган ҳуқуқига таъсир этмайди.

Ўн олти ёшдаги ва ундан катта ўқувчилар, ўқув юртларининг кундузги бўлимларида ўқишни тугатгунларигача, лекин ўн саккиз ёшга қадар бўлган даврда, зарарни ундириш ҳуқуқига эгадирлар.

193-модда. Боқувчининг вафот этганлиги муносабати билан тўланадиган зарар миқдори

Вафот этган боқувчининг қарамоғида бўлган ва унинг вафоти муносабати билан зарарни ундиришга ҳақли бўлган меҳнатга қобилиятсиз шахсларга тўланадиган зарар миқдори марҳумнинг ўртача ойлик иш ҳақи миқдорида, унинг ўзига ва унинг қарамоғида бўлган, лекин зарарни ундиришга ҳақли бўлмаган меҳнатга қобилиятсиз шахсларнинг улушини чегириб ташлаган ҳолда белгиланади.

Зарар тўловини олишга ҳақли бўлган шахсларнинг ҳар бирига тегишли бўлган зарар миқдорини аниқлаш учун боқувчи иш ҳақининг мазкур шахсларнинг ҳаммасига тўғри келадиган қисми улар сонига тақсимланади.

Вафот этган шахснинг қарамоғида бўлмаган, аммо зарар тўловини олиш ҳуқуқига эга бўлган меҳнатга қобилиятсиз шахслар учун зарар тўлови миқдори қуйидаги тартибда белгиланади:

агар таъминот маблағи суд тартибида ундирилган бўлса, у ҳолда зарар тўловлари суд томонидан тайинланган сумма миқдорида белгиланади;

агар таъминот маблағи суд тартибида ундирилмаган бўлса, у ҳолда зарар тўловлари уларнинг моддий аҳволи ҳамда вафот этган шахснинг ҳаётлик вақтида уларга ёрдам кўрсатиш имкониятини ҳисобга олиб белгиланади.

Агар вафот этган шахснинг қарамоғида бўлган шахслар ҳам, унинг қарамоғида бўлмаган шахслар ҳам айни бир вақтда зарар тўловини олишга ҳақли бўлсалар, бундай ҳолда зарар тўловлари миқдори аввало марҳумнинг қарамоғида бўлмаган шахслар учун белгиланади. Улар учун белгиланган зарар тўлови суммаси боқувчининг иш ҳақидан чегириб ташланади, сўнгра иш ҳақининг қолган миқдоридан келиб чиқиб ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган тартибда марҳумнинг қарамоғида бўлган шахслар учун қопланадиган зарар миқдори белгиланади.

Боқувчисини йўқотганлиги муносабати билан зарар тўловини олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга тайинланган боқувчисини йўқотганлик пенсияси, ҳудди шунингдек бошқа пенсия, иш ҳақи, стипендия ва бошқа даромадлар қопланадиган зарар тўлови ҳисобига киритилмайди. Бунда қарамоқдаги ҳар бир шахсга тегишли бўлган зарарни қоплаш суммаси қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг эллик фоизидан оз бўлиши мумкин эмас.

194-модда. Ходимнинг соғлиғига шикаст етказилганлиги ёки унинг вафоти муносабати билан бир йўла бериладиган нафақанинг миқдори

Ходимнинг соғлиғига шикаст етказилганлиги ёки унинг вафоти муносабати билан иш берувчи томонидан бир йўла бериладиган нафақанинг миқдори жамоа шартномасида, агар бундай шартнома тузилмаган бўлса, — иш берувчи билан касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи ўртасидаги келишувга биноан белгиланади. Бунда ходимнинг соғлиғига шикаст етказилганлиги муносабати билан бир йўла бериладиган нафақанинг миқдори жабрланувчининг йиллик иш ҳақидан, ходимнинг вафоти муносабати билан бир йўла бериладиган нафақанинг миқдори эса, марҳумнинг олти йиллик ўртача иш ҳақидан кам бўлиши мумкин эмас.

195-модда. Ходимнинг соғлиғига шикаст етказилганлиги ёки унинг вафоти муносабати билан иш берувчи томонидан зарарни тўлаш тартиби ва муддатлари

Меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда ходимнинг соғлиғига шикаст етказилганлиги ёки унинг вафоти муносабати билан иш берувчи томонидан зарарни тўлаш тартиби ва муддатлари Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланади.

196-модда. Ходимнинг мол-мулкига етказилган зарар учун иш берувчининг моддий жавобгарлиги

Меҳнат шартномасида белгиланган вазифаларини лозим даражада бажармаганлиги натижасида ходимнинг шахсий буюмлари ёки бошқа мол-мулкига зарар етказган иш берувчи бу зарарни натура ҳолида қопламоғи лозим. Зарарни натура ҳолида қоплашнинг иложи бўлмаган тақдирда ёки ходимнинг розилиги билан мол-мулкнинг қиймати шу жойда амалда бўлган баҳо бўйича тўла ҳажмда қопланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

2000 йилда ҳўл мева-сабзавот маҳсулотларини марказлаштирилмаган ҳолда экспорт қилишни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида

(Боши 1-бетда)

6. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳўл мева-сабзавот маҳсулотлари юкланган автотранспортнинг республика ҳудуди бўйлаб тўсиқсиз ҳаракатланишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар икки ҳафта муддатда амалдаги идоравий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Б.Ҳамидов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2000 йил 8 июль

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига 1-илова

Жисмоний ва юридик шахслар - Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан ҳўл мева-сабзавот маҳсулотларини республика ташқарисига чиқаришнинг ВАҚТИНЧАЛИК ТАРТИБИ

1. Мазкур тартиб жисмоний ва юридик шахслар - Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан фақат уларнинг ўзлари етиштирган ҳўл мева-сабзавот маҳсулотлари марказлаштирилмаган ҳолда экспорт қилинишига татбиқ этилади.

2. Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи жисмоний шахслар томонидан ҳўл мева-сабзавот маҳсулотларини республика ташқарисига чиқариш божхона органларига қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилган тақдирда чеклашсиз амалга оширилади:

маҳсулотни олиб чиқувчи шахснинг паспорти;

юк божхона декларацияси;

фитосанитария сертификати.

3. Юридик шахслар - Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан ўзлари етиштирган ҳўл мева-сабзавот маҳсулотларини олиб чиқиб кетиш мақсадида, экспорт қилувчи:

а) ўз контрактини, шу жумладан бартер ва консигнация шартларида тузилган контрактни хизмат кўрсатувчи банкда рўйхатдан ўтказади. Бунда банк контрактда томонларнинг товарлар учун ўз вақтида ҳақ тўланиши ёки уларнинг бартер бўйича етказиб берилиши учун тегишли жавобгарлиги назарда тутилган-тутилмаганлигини текшириши ҳамда контракт тақдим этилган кундан бошлаб бир кундан кечиктирмай уни рўйхатдан ўтказиши керак;

б) жўнатилаётган мева-сабзавот маҳсулотлари учун Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳудудий бўлинмаларидан фитосанитария сертификати олади. Бунда сертификат мурожаат қилинган кундан бошлаб бир кун мобайнида берилади.

4. Экспорт қилувчи, фойдаланилаётган транспортга қараб, уни олиш учун «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ҳудудий бўлинмаларига ёки автотранспорт экспедицияларига мурожаат қилади, бунинг учун қуйидагиларни тақдим этади:

буюртманома;

контракт.

Бунда транспорт компаниялари товарга илова қилинадиган ҳужжатларни /юк ҳужжатларини/ расмийлаштириши ва юкни ортиш учун ҳужжатлар тақдим этилган кундан бошлаб икки кун мобайнида транспорт бериши шарт.

5. Юридик шахс - экспорт қилувчи экспорт қилинаётган мева-сабзавот маҳсулотларини божхонада расмийлаштириш учун Давлат божхона қўмитаси бўлинмасига мурожаат қилади, божхонада расмийлаштириш, қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилган тақдирда, белгиланган тартибда кўпи билан бир кун мобайнида амалга оширилади:

а) юк божхона декларацияси;

б) хизмат кўрсатувчи банкда рўйхатдан ўтказилган контракт;

в) божхона йиғимлари тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжат;

г) фитосанитария сертификати.

6. Юклаб жўнатилган мева-сабзавот маҳсулотларининг юк божхона декларациялари нусхалари маҳсулот жўнатилгандан кейин ўн кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона органлари бўлинмалари томонидан юридик шахс - экспорт қилувчи жойлашган жойдаги Давлат солиқ қўмитаси органларига берилади.

Вазирлар Маҳқамасининг қарорига 2-илова

Экспорт қилинадиган ҳўл мева-сабзавот маҳсулотлари РЎЙХАТИ

т/р	Маҳсулот номи	ТИФ ТН коди	т/р	Маҳсулот номи	ТИФ ТН коди
	Сабзавотлар:			Мевалар ва полиз маҳсулотлари:	
1.	Пиёз	070310	1.	Узум	0806
2.	Сабзи	070610	2.	Тарвуз ва қовун	080710
3.	Карам	0704	3.	Анор	081090800
4.	Бодринг	0707	4.	Олча ва гилос	080920
5.	Помидор	0702	5.	Олма	080810
6.	Патиссон	070990	6.	Шафтоли	080930
7.	Узунчоқ майда ошқовоқ	070990	7.	Ўрик	080910
			8.	Олхўри	080940110-080994019 0
8.	Гармдори	070960			
9.	Бақлажон	070930	9.	Беҳи	080820900
10.	Ошқовоқ	070990900	10.	Лимон	080530100
11.	Саримсоқпиёз	070320	11.	Ҳурмо, анжир	0804
12.	Ошкўклар	070970 070990100	12.	Қуритилган мевалар ва майиз	0813
13.	Қуритилган сабзавотлар	0712-0713			
14.	Супурги	960310			

Изоҳ: Мазкур рўйхатга марказлаштирилган экспортнинг 2000 йил учун тасдиқланган прогнози бўйича сотиладиган мева-сабзавот маҳсулотлари ва улардан тайёрланган маҳсулот турлари киритилмаган.

Назорат

АРЗОНИГА УЧМАНГ

Самарқанд вилояти солиқ соҳасида ҳуқуқ бузилишларга қарши тезкор курашиш бошқармаси ходимлари кейинги ойларда спиртли ичимликлар ишлаб чиқарувчи тўртта яширин цехни фош этдилар, 258 минг сўмлик ноқонуний спиртли ичимликларни сотувдан тўхтатиб қолдилар.

Яширин цехларнинг бири Самарқанд туманидаги Конигул қишлоғида истиқомат қилувчи фуқаро Зуҳра Носировнинг хонадонида ташкил этилган эди. Қўшни Жуйисой қишлоғи фуқаролари Жўрақул Облоқулов ва Яздон Ғаниев арзон ароқ излаб юрган мижозларни тўғри шу хонадонга бошлаб келишарди. Бу гал ҳам шундай бўлди.

Жўрақул билан Яздон қўшни қишлоқлик Улфат Раҳимов билан гурунглашиб ўтириб унга «айлантириш» учун минг шиша арзонроқ ароқ кераклигини билиб олдилар.

- Ҳар шишасини 450 сўмдан сотаяпмиз. Дўкондаги қиммат ароқлардан фарқи йўқ. Агар келишсак бугунок тайёрлаб берамиз, - деди Жўрақул.

Улфат олдинига 500 шиша ароқни нақд пулга оладиган, кейин унинг ўтишига қараб яна шунча ароққа буюртма берадиган бўлди. 250 минг сўмни олдиндан санаб олган Жўрақул ва Яздон янги мижозни олиб Зуҳранинг уйига келишди. Бу ерда тайёрланган салкам 800 шиша қўлбола ароқ харидорни кутиб турарди. Улардан 500 тасини машинага ортиб энди жилмоқчи бўлиб туришганида солиқчилар келиб қолишди-ю ҳаммаёқ остин-устун бўлиб кетди.

Тезкор ходимлар хонадонни кўздан кечирганларида сотишга тахт қилиб қўйилган яна 275 шиша қўлбола ароқ, 40 литр спирт, «Самарқанд», «Зарафшон» ароқларининг сон-саноқсиз ёрлиқлари ва қопқоқлари, қопқоқловчи мосламалар ва бўш шишалар чиқди. Шу ернинг ўзида қора кунларга яраб қолар деб 125 минг сўм пул ҳам ғамлаб қўйилган экан. Ҳаммаси далилий ашё сифатида олинди. Салкам эллик ёшни қоралаб қолган бўлсада ақли қуйилмаган Жўрақул Облоқулов ва Яздон Ғаниев устидан жиноят иши қўзғотилди. Уйни яширинча ижарага бериб қўйган Зуҳрахон ҳам энди жазодан четда қолмайди.

Тадбиркорликнинг ноқонуний турлари билан шуғулланувчилар бу воқеадан хабар топиб, эсхушларини йиғиб олишса, эгри йўлдан қайтиб, тўғри йўлга тушиб олишса ажаб эмас энди.

СУНЪИЙ НИҚОБ

Тошкент шаҳрининг барча туман савдо шаҳобчаларига истеъмол муддати ўтиб кетган балиқ консервалари ноқонуний тарзда тарқатилганмиш, деган хабар солиқчиларни оёққа турғазди. Биринчи рейд А.Икромов туманидаги Карвонсарой улгуржи савдо мажмуасига бўлди.

Кузатув остига олинган 3-павильондаги 114-савдо дўконида сотилаётган Эстония Республикасида ишлаб чиқарилган 160 граммлик «Селдь» балиқ консервасининг истеъмол муддати 2000 йил март ойида тугаган эди. Устомон тадбиркорлар бу ёзувнинг устига қоғоз ёрлиқ ёпиштириб, консервининг истеъмол муддатини сунъий равишда 30 декабргача деб узайтиришибди.

Буни билган солиқчилар дўконни назорат тартибида текширишга қарор қилишди.

Дўконга истеъмолга яроқсиз булган 2016 дона бу консерваларни хусусий тадбиркор Собит Содиқов олиб келган экан. Собир Раҳимов туманида истиқомат қилувчи тижоратчи Умид Усмонов эса улардан 340 тасини кўтарасига харид қилишга шайланиб турарди. Умид ёпиштирилган қоғоз ёрлиқларга ишониб консерваларнинг истеъмол муддати ҳали тугамаган деб ўйлаган экан. Собит Содиқов ҳар донасини 155 сўмдан сотиб олган консерваларни у 165 сўмдан олаётган пайтида тўхтатилди.

Собит тушган тушумларни назорат касса машинасидан ўтказмаётган эди. Чунки аппарат 14 июндан бери ишламасди. Текширув давомида савдодан тушган, лекин банкга топширилмаган 624 минг 700 сўм пул дўконда сақланаётганлиги маълум бўлди.

Солиқчилар ўтказган текширув жараёнида 1800 дона 297 минг сўмлик истеъмол муддати ўтиб кетган ва сифат сертификати бўлмаган балиқ консервалари савдодан олиб қўйилди. Ҳозир суриштирув ишлари олиб борилаяпти.

Ж.НОСИРОВ,
Давлат солиқ қўмитаси Матбуот хизмати раҳбари.

Бу ҳаммани қизиқтиради

РАҚАМЛАРДА ИНСОН ТАҚДИРИ

(Боши ўтган сонда)

Фақат булар эмас, Яратган улуғ шоирни болаликда тўрт буюк шахснинг дуосини олишга эриштирди: Мир Саид Кобулий, Муҳаммад Али Ғарибий, Шарафиддин Али Яздий, Шайх Камол Турбатий. Ҳаётда тўрт дўст-қадрдон, пирга дуч қилди: Сайид Ҳасан Ардашер, Паҳлавон Муҳаммад, Абдураҳмон Жомий, Мавлоно Лутфий. Ижодда тўрт даҳо устозни насиб этди: Фаридиддун Аттор, Муслиҳиддин Саъдий, Низомий Ганжавий, Амир Хисрав Деҳлавий.

844-сонининг зоҳирий ифодасининг ўзиёқ қуйидагиларни билдиради: 8-бу шоир илк ижодга киришган ёш, 44-ижодий чўққига эришилган ёш (1485 йилда «Хамса» ёзиб тугатилади).

Булардан ташқари улуғ шоирга бутун умри давомида келадиган ҳар тўрт йил ё муваффақиятлар, ё кулфатлар олиб келган: 4 ёшида мактабга борган, 8 ёшида ижодини бошлаган, 12 ёшида отаси - Ғиёсиддин Кичкина вафот қилган, 16 ёшида ота-онасиз, ҳомийсиз бегона шаҳарда (Машҳад) ўзининг мустақил ҳаёт йўлини бошлаган, 20 ёшида тоғаси - Мир Саид Қобулий Абусаид жосуслари томонидан қатл этилган, 24 ёшида Абдураҳмон Жомий билан учрашган, 28 ёшида дўсти Ҳусайн Бойқаро Ҳирот тахтини эгаллаган, 32 ёшида Ҳусайн Бойқаро фармони билан амир-бек унвонини олади, 36 ёшида Нақшбандий тариқатига Жомий раҳнамолигида киради, 40 ёшида «Чиҳл ҳадис» асарини битади. 44 ёшида «Назмул жавоҳир» асарини ёзади, 48 ёшида Саид Ҳасан Ардашер, 52 ёшида Паҳлавон Муҳаммад вафот этади, 56 ёшида «Тарихи анбиё ва ҳукамо» асарини ёзади, 60 ёшида «Маҳбуб ул-қулуб» охирги насрий асарини битади.

Улуғ рус адиби Лев Толстой ҳам ҳазрат Алишер Навоий каби авлиё даражасидаги киши бўлган. Ҳаётининг ибтидосию интиҳоси сирли рақамларга тўла.

«Туғилиш ва жиноятнинг сони математика қонунларига итоат этади, - деб ёзади у ўзининг «Уруш ва тинчлик» романининг 1812 йил урушининг сўнгги даврига бағишланган қисмида. - У ё бу идора усули маълум жўғрофий ва сиёсий иқтисод шартлари билан белгиланади, одамларнинг ерга бўлган маълум муносабатлари халқларнинг ҳаракатини вужудга келтиради деган сўз айтилгани ва исбот этилгандан бери моҳият эътибори-ла тарих пойдевори зил кетади».

Ёзувчининг қайд этишича, 28 сони математикада алоҳида аҳамиятга эга. Математикада «е»нинг қиймати 2,718281828... га тенг. Эътибор қилган бўлсангиз, қийматдаги 2,7 дан кейин 1828 такрорланиб келаверади. Бу Лев Толстой туғилган йил. Адиб 28 рақамини бахтли рақам деб билган. Яна бир бор эътибор қилинг: Лев Толстой 28 йилда (1828), 28 августда туғилган. 28 июнда (1863) биринчи ўғли Сергей туғилган. 28 майда (1856) биринчи китоби («Болалик ва ўсмирлик») босмадан чиқади: 28 февралда ўғилларидан яна бири Иван Львович Толстой София Николаевна Философовага уйланади. 1910 йилнинг кузида Лев Толстой ҳаётида бахтсизлик рўй беради. У уйидан бош олиб чиқиб кетади. Бу тўғрида унинг ўғли Илья Львович Толстойнинг «Мои воспоминания» (М., 1986) китобида жуда таъсирчан қилиб ёзилган:

«Мен 1910 йил 28 октябрда Москвада бўлганимда акам Сергейдан ташвишли телеграмма олдим ва унда зудлик билан Ясная Полянага етиб келишим сўралган эди. Биз кечаси 12 да йўлга чиқиб эртасига эрталаб Козловка Засека станциясида бўлдик.

Хизматкордан сўраб билдикки, отам эрталаб темир йўл бўйлаб номаълум томонга чиқиб кетган. Унинг ҳозир қаерда турганлигини ҳеч ким билмайди. Шимолгами, жанубгами - қайси томонга кетгани номаълум. Шу нарса маълумки, соат 6 да Ясенки станциясидан доимий равишда у томонга ҳам, бу томонга ҳам поезд ўтади.

Бу воқеа мен учун кутилмаган нарса эди ва миямга тўсатдан бир фикр келди, ғойибона тўғри келишдик, бир қараганда оддийдек туюлгани билан, худди шу ҳолатда менга бу аҳамиятли бўлиб туюлди.

Отам Ясная Полянадан 28-куни чиқиб кетган. Бу яна ўша рақам! Отам ҳаётидаги муҳим воқеаларга тўғри келадиган рақам!Демак, унинг ҳаётида яна қандайдир муҳим нарса рўй бермоқчи, ҳис қилишимча, у энди қайтмайди».

Ҳа, чиндан ҳам, 28 рақами улуғ адиб тақдирини белгилаган рақам бўлган.

Бундай таҳлилларни Лутфий, Бобур, Яссавий, Фурқат, Муқимий каби ўзбек шоирлари ижоди ва ҳаёти ҳам қилиш мумкин.

Нормўмин ОЧИЛОВ,
Зиёвуддин ҚЎЗИЕВ.

Ғурур

ЎЗБЕК КУРАШИ АНТАЛИЯДА

Ўзбек кураши бўйича иккинчи жаҳон чемпионатига мезбонлик қилаётган сайёҳлар шаҳри — Анталияда 50 дан зиёд мамлакатнинг сара полвонлари иштироки кутилмоқда. Ушбу чемпионатда кураш ватани полвонларининг гиламдаги хатти-ҳаракати спорт ишқибозларининг алоҳида эътиборида бўлиши шубҳасиз.

Пойтахтимиздаги илк жаҳон чемпионатида 12 нафар ўзбек полвони қатнашган бўлса, 14-17 июл кунлари Анталиядаги беллашувларда 3 вазн тоифасидаги 4 нафар паҳлавонимиз ва ягона вазнда вакиламиз Ватанимиз шарафини ҳимоя қилади.

Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийси, республикада хизмат кўрсатган спорт устози Эргаш Худоёров ҳамда юртимиз паҳлавонлари «Туркистон-пресс» мухбирига сафар олди кайфиятларини қуйидагича изҳор этишди:

— Шогирдларим олдида масъулиятли вазифа турибди. Улар ўзга юртда нафақат Ватан шаъни учун курашишга, қолаверса, халқаро майдонни забт этган курашимиз устун жиҳатлари, унинг олам аҳли учун очилмаган қирраларини намойиш этишга бел боғлашган, - деди Эргаш Худоёров. — Бу галги чемпионат шарафли синов бўлади. Самарқандда ўтган республика чемпионатида уч вазн ғолиблари жаҳон чемпионатида гиламга чиқиш ҳуқуқига эришди. Саралаш баҳсининг даражасини халқаро мусобақага тенг равишда ўтди, десам муболаға бўлмайди. Йўлланма соҳиблари ҳам шунга яраша халқимизга маълум номдор полвонлардир. Йигирма кунлик тайёрлов машғулотларини ўташ учун Республика Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ҳамда Ўзбекистон миллий кураш федерацияси томонидан ҳамма шароитлар яратилди.

— Юртимиз полвонларининг асосий рақиблари ҳамда кутилаётган натижалар хусусида тўхталсангиз.

— Рақибнинг кучсизи бўлмайди. Туркиялик, грузиялик ва бразилияликлардан кўп нарса кутса бўлади. Шогирдларимга фақат ҳужумкор руҳда бел олишишларини доимо сингдириб келяпман. Уларнинг бошқа давлат вакили билан тенг кураш тушиши мағлубият демакдир. Қувонарлиси, чемпионатда 50 дан ортиқ мамлакат вакиллари қатнашаётгани эришадиган натижамиздан қатъи назар курашимизнинг улкан ғалабасидир. Дунё полвонлари сони қанча кўпайса, ўзбек курашининг шунча довруғи ортиб, Олимпиада сари масофа қисқаради.

Тоштемир Муҳаммадиев - 1968 йил 1 майда Бойсун тумани Дуобо қишлоғида туғилган. Оилада беш полвоннинг кенжаси. Вазни 130 килограмм. Биринчи устози 28 ёшида ҳаётдан кўз юмган акаси Худойберди полвон бўлган. Ҳозирда Рўзи Ўтаев ва Эргаш Худоёров мураббийлик қилишмоқда. Икки йилда ўтказиш анъанага айланган Ат-Термизий хотирасига бағишланган халқаро турнирда йирик ғалабаларни қўлга киритган. 1993 йил учинчи ўрин (90 кг), 1995-1997 йилларда мутлақ чемпион ва иккинчи ўрин соҳиби. 1999 йил Тоштемир полвон учун омадли келди. Термиз шаҳридаги тўртинчи халқаро мусобақада Президентимиз соврини - «Нексия» автомашинаси эгаси, май ойида дастлабки жаҳон чемпионатининг мутлақ вазндаги чемпиони бўлди. Ўтган йилнинг октябрида Президент соврини учун «Алпомиш» достонининг 1000 йиллигига бағишланган турнирда Алпомиш-келбат Тоштемир полвон бош соврин эгасига айланди.

— Бўлажак чемпионат муросасиз кечишига шак-шубҳа йўқ. Илк жаҳон чемпионатидан фарқли ўлароқ, бу чемпионат бошқа юртда ўтаётгани бизни ўта абжир, ҳужумкор бўлишга ундайди. Курашсевар юртдошларимиз нигоҳидан узоқда бел олишсак-да, улар меҳрини тўла қозониш, Ватанимиз байроғини юксак ҳилпиратиш олий мақсадимиз. Жаҳон аҳлига яна бир бор ўзбек полвонларининг нималарга қодирлигини исботлаш, ҳалоллик мезони бўлган курашимизнинг жозибадорлигини кўз-кўз қилиш орқали ўзлигимизни яқиндан танитамиз, деб ўйлайман.

Эрали Маҳмарасулов — самбо ва кураш бўйича халқаро спорт устаси, бундан 29 йил бурун Сурхондарё вилоятининг Денов туманида туғилган. Вазни 120 килограмм. Отаси машҳур Наби (Жаббор) полвон ҳали-ҳануз эл назаридан тушмайди. Устози Абдулла Сирожиддинов. Айни пайтда Омон Тоймуродов мураббийлик қилмоқда. Қўлга киритган йирик натижалари: кураш бўйича республика ва халқаро миқёсдаги турнирлар совриндори. 1997 йилги ат-Термизий хотирасига бағишланган халқаро мусобақанинг пешқадами. Паҳлавон Маҳмуд ва Амир Темур хотирасига бағишланган нуфузли беллашувлар финалчиси. 1999-2000 йиллардаги мутлақ вазндаги республика чемпиони. I жаҳон чемпионатининг кумуш медали соҳиби.

— Эрали ака, 1990 йил бошида «Алпомиш» спорт мажмуида шаҳрисабзлик Абдуқодир полвон Пирматов билан беллашувингиз кураш ишқибозлари хотирасида ёрқин из қолдирган. Ушбу учрашув ҳам курашнинг оммавийлиги ортишида маълум улуш қўшди. Шундай эмасми?

— Абдуқодир полвон билан кўп марта куч синашганмиз. Бир сафар унинг қўли баланд келса, бир гал меники. Курашимиз жонкуяри Комил Юсупов ташаббуси билан «Алпомиш» саройида учрашув ташкил қилинганди. Халқимизнинг севимли спорт туридан жаҳон чемпиони бўлиб, юрт байроғи юксак кўтаришдан ортиқ бахт бўлмаса керак эр йигит учун. Ишонаманки, азалий ғуруримиз, оримиз саналмиш курашнинг Олимпиада ўйинларидан жой олган зафарли онларида ҳам белимни маҳкам боғлаб, мухлисларим қувончини чексиз орттириш орзуим тез орада ушалади.

Баҳром Авазов — 1970 йил 3 январ куни Қашқадарё вилояти Ғузор туманининг Сайроқ қишлоғида таваллуд топган. Вазни 90 килограмм. Кураш ва дзюдо бўйича халқаро тоифадаги спорт устаси. Илк полвонлик сирларини Наил Ҳусниддиновдан ўрганган. Қарши Давлат университетининг жисмоний тарбия ўқитувчиси. Баҳром полвон Қашқадарёнинг зўр паҳлавони бўлиш билан бирга 1995 йилдан буён 90 килограмм вазндаги республикамиз полвонларининг етакчиси саналади. 1992-96 йилларда Шаҳрисабзда ўтказилган кураш бўйича Амир Темур хотира турнирларида 81 килограмм ҳамда мутлақ вазн чемпиони. Паҳлавон Маҳмуд халқаро турнирининг дастлабки мутлақ ғолиби. 1995 йилдаги ат-Термизий хотира турнири финалчиси. 1998-99 йилларда Паҳлавон Маҳмуд хотира турнирида мутлақ ва 90 килограмм вазнлар пешқадами. I жаҳон чемпионатининг бронза медали соҳиби. Жорий йилнинг апрел ойида соҳибқирон Амир Темур бобомиз хотирасига бағишлаб Президент соврини учун Шаҳрисабзда ўтказилган учинчи халқаро мусобақанинг мутлақ чемпиони.

— Бу йил Шаҳрисабзда ўтказилган халқаро мусобақадаги ютуғимдан йигирма кун аввал икки қизим сафига ўғлим Жалолиддин қўшилгани оиламнинг қўшалоқ байрами бўлди.

Анталия заминида ҳам чиройли кураш тушиб, ишқибозларим сонини халқаро майдонда янада бойитсам ажабмас. Гиламда рақибининг курагини ерга теккизишга шайланган пайтдаёқ полвондан олдин ишқибозларнинг ҳаяжондан қувончини ичига сиғдиролмаслигини камдан-кам спорт турларидагина кузатамиз. Шундай олқишларга кураш бўйича Олимпиада майдонларида ҳам тез орада эришмоғимиз фурсати яқин.

Маҳтумқули Маҳмудов — 1969 йил 29 июлда Сурхондарё вилоятининг Ангор туманида курашимизнинг ашаддий ишқибози Худойберди ака хонадонида таваллуд топган. Вазни 73 килограмм. Самбо ва кураш бўйича халқаро тоифадаги спорт устаси, 8 ёшидан бошлаб Рўзи Ўтаев ўгитларидан бахраманд бўлиб келаётир.

1995-97 ва 1999 йиллардаги ат-Термизий хотира турнирида 73 килограмм вазнда шоҳсупанинг юқорисини ҳеч кимга бермай келмоқда. Шунингдек, 1997 йилги Паҳлавон Маҳмуд хотира турнири ғолиби. Биринчи жаҳон чемпионатининг кумуш медали совриндори.

— Ҳар кимнинг ўз олдига қўйган мақсади бўлади. Бу йил республика ва жаҳон чемпионатида ғалабага эришишни олий мақсад қилиб қўйгандим. Саралаш баҳси одатда 73 килограмм вазнлилар ўртасида кескин кечади. Чунки бу вазнда полвонлар сони кўп ҳамда маҳорат бобида тенгсизлари ҳам талайгина. Жумладан, Акобир Қурбонов, Эгамназар Акбаров, Элбек Орипов, Акмал Усанов ва Ҳайрулла Насруллаевлар чемпионликка асосий даъвогарлар эди. Демоқчиманки, республика чемпионатида йўлланмага эришиш осонликча бўлмади. Майдонга фақат курашимиз обрўси юксалиши учун тушмоқчиман.

Марина Мехиева — 1969 йилда туғилган. Вазни 63 килограмм. Бир неча бор дзюдо бўйича республика чемпиони. Саралаш мусобақасида Марина ўсиб келаётган ёш қизларимизга нисбатан тажриба ва маҳорат бобида устунлигини исботлади.

— Курашимиз бўйича илк бор Ватанимиз шарафини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эришганимдан бахтиёрман. Ушбу ютуқларимни халқаро майдонда ҳам юртимиз паҳлавонлари қатори юқори поғоналарни эгаллаш билан мустаҳкамлаш умидидаман.

БАЛИҚ СУТИ

Балиқдан сут олиш мумкин экан. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчи комиссияси ана шундай сут кашф этилганлиги тўғрисида хабар берди.

Балиқ сутининг кўриниши, қуритилган оддий сигир сути сингари порошок (кукун) ҳолида бўлади. Унга маълум миқдорда сув олиб, меъёри билан қайнатилса, ростмана сутга айланади-қолади.

Чили мамлакатида ёш бузоқлар ана шу сут билан боқилмоқда. Бу ўлкада сигир сути етишмаслиги сабабли шу вақтгача ҳар йили 350 мингга яқин бузоқ очликдан нобуд бўларди.

Шуниси ҳам борки, Чили балиқчилик институтидан маълум қилинишича, балиқ сути ишлаб чиқариш янада такомиллашса, ундан келажакда пишлоқ, музқаймоқ ва шу сингари маҳсулотлар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

М.КАМОЛОВА.

КОМАНДАЛАР БЕЛЛАШДИ

ОИЛАВИЙ

Нукусда мамлакат мустақиллигининг 9 йиллиги олдидан «Соғлом авлод» дастурига биноан Қорақалпоғистон деҳқончилик мажмуи ходимлари оилавий командаларининг спартакиадаси бўлиб ўтди. Унда 15 оила спортнинг 7 тури бўйича беллашди.

Тадбир ҳақиқатан ҳам кейинги йилларда спорт Қорақалпоғистонда оммавийлашиб бораётгани, айниқса жисмоний тарбия билан оилавий равишда шуғулланиш кенг тус олаётганини яна бир бор исботлади.

Мусобақага пухта тайёрланиб келган Беруний туманидан Нурбек Олламберганов оиласи ғолиб деб топилди ва пойтахтда ўтадиган спартакиадага йўлланма олди.

Мустақиллик иншоотлари

И.ҲАСАНОВ олган сурат.

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртлари учун ижтимоий фанлар бўйича янги дарсликлар танловини эълон қилди. Танловнинг мукофот жамғармаси миллион сўмдан иборат. Танлов шартларига кўра, янги дарсликлар ҳозирги давр воқелигига мувофиқ бўлиши, миллий ғоя ва миллий мустақиллик мафкураси асосларини акс эттириши лозим. Вазирлик ҳузурида дарсликлар яратиш ишига жалб қилинган етакчи ўзбек олимлари ва педагогларидан иборат гуруҳ тузилди.

Бироқ янги дарслик тайёрлаш қисқа муддатда бажариладиган иш эмас. Республика олий ўқув юртларида эса ҳозирги пайтда ўқув адабиётларига катта эҳтиёж мавжуд. Шу сабабли махсус муаллифлар гуруҳи бакалавриат ва магистратура учун 14 ижтимоий фан бўйича лекциялар курсларини тайёрлашга киришди. Уларга тарих, фалсафа, психология, диншунослик каби фанлар киради.

Лекцияларнинг бир қисми янги ўқув дастурига мувофиқ тайёрланиб, тақриз олиш учун тақдим этилди. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бу ишни янги ўқув йили бошланишигача якунлашни мўлжалламоқда. Талабалар 1 сентябрдан ижтимоий фанларни мустақиллик йилларида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётида рўй берган ўзгаришлар ҳисобга олинган ҳолда тузилган лекциялар курслари бўйича ўргана бошлаши лозим.

Бундан ташқари, вазирлик ҳузурида мавжуд ўқув адабиётларининг замон талабларига мувофиқлигини текшириш учун мутахассислар гуруҳи тузилган. Гуруҳ ҳозирги пайтгача 100 га яқин дарслик ва ўқув қўлланмаларини кўриб чиқди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Федерация Кенгаши раисининг ўринбосари З.Қодировга волидаи мухтарамаси

МУХАРРАМ аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар касаба уюшмалари Кенгаши ва тармоқ касаба уюшмалари шаҳар қўмиталари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раисининг ўринбосари З.Қодировга волидаи мухтарамаси

МУХАРРАМ аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ISHONCH

МУАССИС:

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:

Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-63

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Умумий адади 14.002 нусха. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00

Топширилди 21.25 Буюртма Г— 624. 1 2 3 4 5 6